

Бугуннинг гапи

ВАҚТДАН ЮТҚАЗГАН ХИРМОННИ БОЙ БЕРАДИ

Бу йилги кўкларнинг нисбатан эрта келгани дала ишларини ҳам барвақт бошлашни тақозо этди. Баҳорнинг айни паллалари фурсат кутмаслиги, ғанимат эканлигини билган деҳқон борки, бугун ўз даласида енг шимариб, иш бошлаган. Бинобарин, эрта эккан хирмон уяди, деган гаплар бежиз айтилмаган.

Аллақачон минглаб заминдорлар, омилкор пахтакорларимиз катта мақсад ва режалар, яхши ниятлар билан чигит экиш мавсумини бошлаб юбордилар. Соҳа мутахассислари ва пахтачиликда бой тажрибага эга деҳқонларнинг эътирофи этишича, бу йилги шароитда ерга чигит қадаб олишнинг энг мақбул муддати апрель ойининг дастлабки ўн кунлигидир. Негаки, бу даврда tupроқ исиб, чигитнинг вақтида, беҳато униб чиқиши учун табиий шароит этилади.

Ҳозир бир чимдиги tupроқни сиқиб, ерга ташласангиз сочилишти, демек, айни экиш паллалари келди, дейди оқкуронлик тажрибали фермер Абдумалик Каримов. Пахтачиликнинг боши ҳам шу — ерни рисоладагидек тайёрлаб, чигитни беҳато ундириб олиш. Негаки, чигитни меъридан барвақт экиш, ҳам, ҳаяллатиш ҳам тўлиқ кўчат олишга завола етказди.

Вилоят кишлок ва сув ҳўжалиги бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, бу йил вилоятимизда 100 минг 200 гектар майдонда пахта етиштирилади. Бунинг учун белгиланган майдонлар аввалдан ҳозирланиб, техника имкониятлар пухта ишга солинди. Беш минг тоннадан зиёд сара уруғлик чигит қафоллати технологиялар асосида тай-

СУРАТДА: Чиноз туманидаги Ўринбой ҳожи фермер хўжалиги ўтган йили давлатга 300 тонна пахта сотиб, 40 миллион сўм соф фойда олди. Бу йил ҳам хўжалик ерга барвақт уруғ қадади. Фермер Абдуғаффор Ақромов (ўнгда) деҳқон Ботир Бобобеков билан чигит экиш жараёнида.

Даврон АҲМАД олган сурат.



СУВ САРФИ КАМАЙИБ, ҲОСИЛДОРЛИК ОРТАДИ

Ҳозирга келиб, республикада мелиоратив жиҳатдан қониқарли ерлар ўзлаштириб бўлинган. Галдаги вазиға сугорма деҳқончилик қилинадиган ерлардан унумли фойдаланишдир. Боз устиға айрим ҳудудларда экинларни сугориш учун сув етишмасдир. Табиийки, бу ҳолатда ердан, сувдан, ўнитдан унумли фойдаланиш учун нилаларға эътибор бериш керак, деган савол келиб чиқди. Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институтиди бу муаммага онд қатор ишлар амалға оширилмоқда.

Хусусан, чигитни қайси эгат кенлигиди экиб, қандай сугориш кераклиги бугун кўпгина пахтакорларни қизиқтираётган масаладир. Негаки, бу муаммони ечиш ердан, сувдан унумли фойдаланишга, гўза ҳосилдорлигини кўтариб, етиштирилган пахта сифатини яхшилашға замин яратди.

Бу борада кўп уринишлар бўлган. Утган асрнинг 1933 йилидан, то 1954 йилларгача оралиғи 70 сантиметр бўлган эгаларда пахта етиштирилган, 1955 йилдан бошлаб эса, квадрат-уялаб экиш тизими авж олди. Бунда чигит 60х60, 55-55, 50-50, 45-45, 60х50, 60х45 см ўлчамларда экила бошланди. Ҳозирга келиб, гўза асосан 90 ва 60 сантиметрли эгат оралиғида парвариш қилинапти.

Бу тизимлардан қайсиниси афзал деган саволға пахтачилик илмий-тадқиқот институтиди ва мустақил тажрибалар олиб борган олимларнинг ҳуласалари қуйидагича. Хусусан, Тошкент вилоятида тарқалган типик бўз tupроқ шароитида гўзани 80х40 тизимда парваришлаб, 2-3 центнер юқори ҳосил олинди.

Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, эгат оралиғи 60 сантиметр бўлганда 90 сантиметрли тизимга нисбатан кўпроқ ҳосил олиш мумкин. Биринчидан, ҳар бир гектарда 30 физ ер қўшилиди,

иккинчидан эгат ораси кенг бўлган даладини нами тезроқ қочади ва кўпроқ сугоришға тўғри келади. Учинчидан, tupроқ нами кўп бўлгангандан кейин, унинг пастки қатламларидаги тузлар гўза илдизига яқин тўпланади ва гўзанинг ўсиши ҳамда ривожланишиға салбий таъсир қилади. Нитрат шаклди азот 90 сантиметрли эгат оралиғиға нисбатан 60 сантиметрли эгат оралиғида икки, уч миллиграммға, гумус 0,05 фоизға кўп бўлиши аниқланди.

Демак, 60 сантиметрли эгат оралиғида гўза етишириганди унинг озуқа режими ҳам яхшиланади.

Биринчи вариантда (90 см) ҳар гектар гўзани биринчи сугоришға 1207, иккинчи сугоришға 1355 метр куб сув сарфланди ва мавсумий сув миқдори 2562 метр кубни ташкил этади. 60 сантиметрли эгатда гўза парваришланганда биринчи суга 850, иккинчисиға — 848 метр куб сув сарфланиб, мавсумий сув миқдори 1699 метр кубға тенг бўлади

ёки бир гектар гўза даласида 863 метр куб сув иқтисод қилинади.

Республикамизнинг бир нечта вилоятларида, асосан, ўтлоқ-соз ва тақирсимон tupроқ шароитларида бундай тизимда экилган ва парваришланган гўзадан гектарига 2,5-3 центнер қўшимча пахта териб олишға муваффақ бўлинди. Лекин баъзи бир тажрибаларда бунга тескари натижалар ҳам олинганини назардан соқит қилмаслик керак. Айни ҳол ҳали бу борадаги тажрибаларни янада тақомиллаштириш лозимлигини тақозо этади.

Хулоса қилиб айтганда, унумдорлиғи юқори бўлган ерларда эгат оралиғи 90, акс майдонларда эса, 60 сантиметрли тизимда пахта етиштиришни тавсия этамиз.

Қирғизали МИРЗАЖОНОВ, Ўзбекистон кишлок хўжалиғи фанлар академияси муҳбир аъзоси, профессор, Жамолхон АҲМЕДОВ, биология фанлари доктори.

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

ЙИГИТЛАР ҚАСАМЁД ҚИЛИШДИ

Ўзбекистон Республикаси Мудоғаа вазири-лиға қарашли ҳарбий қисмда Қуролли Кучлари-миз сафиға қўшилган ёш аскарларнинг қасамёд қилиш маросими бўлди.

Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар мамлакатимиз-да ҳарбий соҳада амалға оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бераётгани, муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитлари йилдан-йилға яхшиланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ғи Фармони бунда муҳим омил бўлмоқда.

Ушбу ҳужжатға мувофиқ ёш аскарлар ўқув-жанговар машғулотлар ўтказадиган пунктлар инфратузилмаси тақомиллаштирилиб, барча зарур моддий-техник ашёлар билан таъминланмоқда. — Бу ерда аскарларнинг яшаши, машғулотлар ўтиши ва спорт билан шуғулланиши учун яратилган шароит мен ўйлагандан ҳам зиёда экан, — дейди оддий аскар С. Собиров. — Тенгдошларим қатори ўз йигитлик бурчимни ўташға кириш-ётганимдан жуда хурсандман. Ниятим келажақда шарнома асосида хизматни давом эттиришдир.

Х. САЛИМОВ, ЎЗА муҳбири.

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси-ға қарашли марказий кутубхона-да кўчма адабиётлар бўлими ташкил этилди. Энди темирйўлчилар иш жойларининг ўзида зарур адабиётлар билан таъминланмоқдалар.

БЕКАТДА КЎЧМА КУТУБХОНА

Янгийўл, Пахта, Чиноз, Наврўз темир йўл бекатлари-ни бўлими ўз қарамоғиға олди. Улардаги дам олиш хоналариға ўрна-тилган китоб жа-вонлар янги нашрлар билан тўлдирилди.

Янгийўл темир йўл бекатида китоблар кўргазмаси намоиш қилинади. Бундай экспозициялар кўчма кутубхона сифатида бошқа бекатларға ҳам олиб борилади.

Али АҚРОМОВ.

Вилоят ҳаёти

БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Юртимизда уйғониш, янги-ланиш ва яшариш айёми — Наврўз шодиёналари давом этмоқда. Бойбон ва собзавот-корларимиз мўл ҳосил етиштириш ҳаракатида бўлсалар, маҳаллаларда хайрия ҳашарлари, кўкаламзорлаштириш, ободончилик ишлари қизин давом этмоқда. Пахтакорлар ҳам енг шимариб, ишға киришдилар.

Ҳар йили Наврўз арафасида вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида кўплаб янги хизмат қўратиш ва савдо объектилари, ўқув муассасалари, маҳалла гузарлари ҳамда маъмурий бинолар фойдаланишға топширилмоқда. Зангиота туманида қуриб битказилган молия бўлимининг янги биноси ҳам байрам совғаси бўлди. Икки қаватли замонавий бу бинода барча шароитлар мавжуд бўлиб, хоналар компьютер техникаси, мебель ва гиламлар билан жиҳозланган. Энг муҳими, бу янги бино туман марказиға янада кўрқ бағишлади.

Юлдузхон ФАЗЛИДИНОВА.

ЖОНЛИ МУЛОҚОТ

Тошкент туманидаги Келес автокорхонасида "Огоҳлик — давр талаби" мавзусида мулоқот уюштирилди.

Тадбирда чегара қонунчилиғи ҳақида кенг маълумотлар берилди. Хайдовчиларнинг ҳушёрлигини ошириш лозимлиғи, йўл ҳаракати қоидаларини асосан ёш хайдовчилар буюётганлиғи таъкидланди. Маърузачилар йиғилиш қатнашчиларини, хусусан, хайдовчиларни ҳаммаш ҳушёр ва огоҳ бўлишға чақирди. Йиғилиш савол-жавоб ва мунозараларға бой бўлди.

Шунингдек, 3- ва 4-мактабларда ҳам "Йўл ҳаракати ҳавфсизлиғи" ойлйи", "Тиғхвандликка қарши кураш", "Одам савдоси ва жиноятчиликка қарши кураш" мавзуларида ўрашувлар ўтказилди.

КОЛЛЕЖНИНГ ЎЗ ХЎЖАЛИГИ БОР

Қибрай кишлок хўжалик касб-хунар коллежи ўқувчиларининг амалий кўникмаларини ошириш мақсадида 16 гектар ер ажратилган ҳамда 3 гектарли ўқув-тажриба хўжалиғи ташкил этилган.

Коллежнинг қорвачилик фермасида 30 бош қорамол парвариш қилинмоқда. Яқинда қўшимча молхоналар қурилиб, ферма янада кенгайтирилди. Шунингдек, паррандачилик ва қуёнчиликни ривожлантириш режалари ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Ақбар АЛИЕВ.

Семинар

Вилоятимизнинг тоғли ҳудудлари, хусусан, Бўстонлик, Паркент туманлари-да асаларичиликни ривожлантиришнинг катта имкониятлари мавжуд. Давлатимизнинг кишлок хўжалигининг мазкур муҳим тармоғи самарадорлигини оширишға қаратаётган эътибори соҳа ривожини янги босқичға кўтармоқда.



АСАЛАРИЧИЛИК ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Яқинда Паркент туманидаги "Биосфера" қўриқ-хонасида вилоятда асаларичиликни ривожлантириш чора-тадбирларига бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Унда вилоят ўрмончилик бошқармалари, йирик асаларичилик хўжаликларини раҳбарлари, олим ва мутахассислар иштирок этдилар. Бугунги кунда вилоятимизда 146 та махсус фермер хўжаликларида

асаларичилик билан шуғулланилмоқда. Бирок, уларнинг ҳаммасида ҳам яхши самарадорликка эришилапти, деб бўлмайди. Кўпгина хўжаликларда асал етиштиришнинг замонавий технологиялари тўла татбиқ этилмаган.

Айнан шунинг учун ҳам кўргазмали семинар муҳим аҳамият касб этди. Унда асаларичиликнинг илғор тажрибалари, мод-

дий ресурслар, янгиҳа асалари уялари, асбоб-анжомлар, махсус кийим-бошлар, касалликларға қарши қўлланиладиган препаратлар намоиш этилди.

Тармоққа ихтисослашган хўжалик раҳбарлари асал етиштиришнинг илғор усуллари билан танишиш асносида ўзларини қизиқтирган кўпгина саволларға атрофлича жавоб олдилар. Шунингдек, бун-

дай хўжаликлар доирасида жамоатчилик асосида вилоят асаларичилар уюмиси ташкил этилди. Уюшма томонидан шу каби фойдали ўрашува-машғулотларни тез-тез ташкил этиб боришға келишиб олинди.

СУРАТДА: семинар иштирокчилари асаларичилик анжомлари кўргазмаси билан танишмоқдалар.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Адабий-бадиий кеча

НАВРЎЗ ВА ҚАДРИЯТЛАР

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида "Ўзбекистон тарихи ва ҳуқуқ асослари" кафедраси ҳамда Янгийўл шаҳар академик лицейи жамоалари ҳамкорлиғида "Наврўз ва қадриятлар" мавзусида аънанавий адабий-бадиий, мусиқали кеча бўлиб ўтди.

Кечада Наврўз билан боғлиқ аънаналар, миллий қадриятларимизни ўзида акс эттирган келин салом, оиланинг фарзандли бўлиши, чақалоқни бешикка солиш (белаш), алла каби саҳна кўринишлари, ашула ва

жозибали рақслар намоиш этилди.

Бу йилги адабий-бадиий кечада ижро этилган саҳна кўринишлари, ашула ва рақсларда классик адабиётимиздан, ўзбек халқ куйларидан, асрлардан асрларға ўтиб ке-

лаётган урф-одатларимиздан кенгрок фойдаланилган тадбирнинг таъсирчанлиғи ва тарбиявий аҳамиятини янада оширди.

Шунингдек, тадбир доирасида уюштирилган Наврўз билан боғлиқ мавзулардаги китоб ва журналлар кўргазмаси иштирокчиларда катта таассурот қолдириди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ, Тошкент давлат техника университети доценти.

ХУШ КАЙФИЯТ УЛАШИБ

Вилоятимиз туман ва шаҳарларида Наврўзи олам шодиёналарига бағишланган тантаналар давом этмоқда. Қуни кеча Тошкент туманининг Зойрхон Жалилов номи маҳалласида байрам тадбири бўлиб ўтди.

Дастурхонға Наврўзнинг тансиқ таомлари — сумалак, ҳалим тортилди. Шодиёналар куй-қўшиққа улашиб кетди.

Маҳалла фуқаролар йиғини ўқувчиларнинг фан-

ларға қизиқишини кучайтириш мақсадида махсус стипендиялар таъсис этди. Улар ҳар йили бир марта Наврўз байрамида 9-мактабнинг 8-9 синфлари аълоли ўқув-

чиларига берилади. Шу қуни ушбу стипендияларнинг биринчи совриндорлари аниқланди. Саидяло Ахромов биринчи ўрин учун 100 минг, Шаҳноза Усмонова иккинчи ўрин учун 75 минг, Умида Мўминова учинчи ўрин учун 50 минг сўм пул билан мукофотланди.

Учкун ҲАМДАМОВ.

2009 йил - Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Биз Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилини катта режа, юскак орзу-ниятлар билан бошладик. Шу кунларда туманимиз деҳқонлари бугун парваришини давом эттириб, чигит экишни ҳам бошлаб юбордилар. Шаҳарча ва қишлоқларимизда тадбиркорликни ривожлантириш, кичик корхона ва фирмалар барпо этиб, иш жойларини кенгайтириш чоралари қўрилмоқда.

Хар бир ишга давлатимиз раҳбари Халқ депутатлари вилоят кенгазининг навбатдан ташкари сессиясида билдирган танқидий мулоҳазалар ва илгари сурган вазифалар нуктаи назаридан ёндошиш фаолиятимизнинг устувор йўналишига айланиб бормоқда. Каттакички, ҳар бир раҳбар ва мутахассисда топширилган ишнинг пировард натижаси учун жавобгарлик ҳиссини тарбиялашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Шу мақсадда ўқув машғулотлари ва бошқа зарур тадбирлар ташкил этилмоқда. Натижада ҳўжалик ишларини тўғри изга солиш ва саноат корхоналари қувватларидан тўла-роқ фойдаланишда ташаббускорлик, илланувчанлик қўлайб бораётир.

Бу "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" дастурини амалга оширишга киришилган дастлабки ойлардаёқ яққол кўзга ташлана бошлади. Турли сабабларга қўра, ишлаб чиқариш тўхтаб қолган "Чиноз-тўқимачи" қўшма корхонасини тўлиқ қувват билан ишга туширишга киришдик. Бу йил 30 миллиард 375 миллион сўмлик саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг кўзлангиди. Бу туманимиз саноатидagi ўсиш суръати 108,7 фоизни ташкил этади, деган сўз. Ташкилий-ҳўжалик ишларини

бугунги кун талаблари даражасига кўтариб, кичик бизнесни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, касаначиликни, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривож-

МУҲИМИ - ПИРОВАРД НАТИЖА

лантириш қишлоқларимизни ободонлаштириш, аҳолининг турмуш даражасини кўтаришнинг энг самарали йўлларига айланиб бормоқда. Буни қисқа фурсатда 3 та хусусий корхона, 18 та яқка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтиб, фаол иш бошлаганида яққол кўриш мумкин.

Янги ташкил этилган иккита хусусий корхона бевосита қишлоқларда қурилиш ва пудрат ишлари билан шуғуллана бошладик. Айни пайтда фаолиятини тўхтатиб қўйган корхоналарни қайта тиклаш ва ишга туширишга ҳам жадал қилиришдик. Дастлабки ойлардаёқ 10 га яқин шундай корхонада ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни тиклашга доир ҳужжатлар тайёрланди.

Туманимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш ташаббусини бошлаётган, муҳим бизнес-режалар ишлаб чиқиб, амалга оширишга дадил киришаётган тадбиркорлар сафи кенгайиб бораётир. Чиноз қишлоғида Сунатилла Мираҳмедов, Маъмуржон Йўлдошев, Даврон Очилов сингари ишбилармонлар қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, полиэтилен том ёпқичлари тайёрлай-

да янги иш ўринлари очилиши, маҳсулот сифати яхшиланиб, ҳажми орттиришга хизмат қилиши яхши маълум. Шунинг хисобига олиб, биз иш ўринларини жиҳозлаш масалалари билан жиддий шуғулланмоқдамиз. Бу ҳаракатлар қўламини Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ташкил этиш режалаштирилган 3895 та янги иш ўрни мисолида яққол тасаввур қилиш мумкин. Шу мақсадлар учун 8 миллиард 136 миллион сўм ажратил-

ган. Унинг салмоқли қисмини чет эл инвестициялари ташкил этаётир. Умуман, бу йил туманимизга 2 миллиард 780 миллион сўм хорижий сармоя жалб этиб, иш ўринларини кенгайтиришга сарфламоқдамиз. Хисоб-китоблар бу дастурий мақсадларни рўёбга чиқариш режалаштирилганига нисбатан 1585 та кўп янги иш жойлари барпо этиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтиришга сарфланиши қўзланаётган 2 миллиард 14 миллион сўм қўшимча маблағ ҳам иш ўринлари янада кўпроқ барпо этилишини таъминлайди.

Одамларнинг даромад топиш имкониятини кенгайтиришда қаса-

начиликнинг аҳамияти ортиб бораётти. Бу йил йирик саноат корхоналарида жами 155 та, кичик ишлаб чиқаришларда 197 та шундай иш ўринларини яратмоқдамиз. Биринчи чорак якунлари бу режалар муваффақиятли бажарилишидан далолат бераётти.

Чиноз пахта ва галла етиштириш соҳасида бой тажрибага эга туманлардан бири. Бу йил 20000 тонна галла, 21200 тонна пахта, кўп микдорда гўшт, сўт, мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўзлаб, дала ишларини кўн сайин қизгин тус олдираётимиз. Умуман, қишлоқ ҳўжалигидан 25 миллиард сўм даромад олиш ниятидамыз. Илгори фермер ҳўжаликларини тажрибаси шундан далолат бermoқдаки, фақат ҳосилдорликни кўтариш хисобига кўп микдорда қўшимча даромад кўриш мумкин.

Даромадга қараб бурумад, деганларидек, сармоянинг қўлайлиги янги қурилишлар қўламини кенгайтирмоқда. Бу йил таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларида қурилиш-таъмирлаш ишлари янада кенгайди. Бу қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириб, аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини кескин оширади.

Қисқаси, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" дастурининг режалари катта. Биз барча кўч ва имкониятларини ишга солиб, улар тўлиқ бажарилишига эришамиз. Бунинг натижасида Чиноз шаҳри, Янги Чиноз ва Олмазор шаҳарчалари, 57 та қишлоқ яна ҳам обод бўлади.

Нигмат МУҲАМЕДОВ,
туман ҳокими.



ТАДБИРКОРНИНГ НИЯТИ ЭЗГУ

Қишлоқни равақ топтириш, аҳолининг турмуш даражасини кўтариш кўп жиҳатдан янги иш жойларини қўлайтириш билан боғлиқ. Демак, қишлоққа саноатни олиб кириш, илҳам ва замонавий техника ҳамда технологиялар билан жиҳозланган кичик қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис корхоналарини барпо этиш бу муаммони ҳал қилишнинг энг муҳим йўналишлари ҳисобланади.

Юртбошимиз республика Вазирлар Маҳкамаси ййгилишида 2009 йилда хизмат кўрсатиш ва кичик бизнесни оширишнинг энг муҳим омилли сифатида янада жадл ривожлантириш устувор вазифа бўлиб қолишини таъкидлади. Туманимизда бу соҳага алоҳида эътибор қаратилаётир. Мавжуд корхоналар янги технологиялар билан жиҳозланаётти. Бу эса, янги иш ўринларининг яратилиши баробарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини қўлайтириш ҳам йўл очаётти.

"PURE LIFE" масъулияти чекланган жамияти ички бозорларимизни яхши ичимликлар билан таъминлашга мўлжалланган. Корхонада дастлабки йилларда бор-йўғи 8 хилдаги чанқорбосди ичимликлар ишлаб чиқарилади. Замонавий технологиялар ўрнатилган, маҳсулот тури 20 хилдан ошди. Эндиликда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар республиканинг Навойи, Самарқанд, Қашқадарь, Сурхондарь вилоятлари ҳам етказиб берилаётти. Корхонада уч сменада 100 дан ортиқ ишчи ва хизматчи фаолият кўрсатаётти.

Шу кунларда туманимизда қатор кичик корхоналар очилиш арафасида. Замонавий мебель жиҳозлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган "Дониёр-Гулруҳ" хусусий корхонаси фаолият бошлади. 30 дан зиёд йигит-қиз иш билан таъминланади. Ҳозир бу ерда қурилиш-таъмирлаш ишлари якунланаяпти. Энг муҳими, корхонага Хитойнинг 80 минг АҚШ долларилик энг замонавий технологияларини жорий этиш режалаштирилган. Чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган "Чиноз Агрофарм" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди, 40 дан зиёд аҳоли ишга бўлади. Айни кунларда корхонани тўла қувват билан ишга туширишга доир сўнгги ишлар бажарилаётти.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан жойларда қурилиш маҳсулотларига талаб ортиб бораётти. "Чиноз-Алея-фарм" хусусий корхонаси ишлаб чиқараётган тўшма қурилиш маҳсулотига талаб жуда юкори. Чиройли шакллар бериб тайёрланган бежирим маҳсулотлар янги қурилишларни янада кўркамлаштиришга хизмат қилади. Бугун корхона, мактаб, коллеж йўлакларига ётқизилган тўшмалар киши ҳавасини келтираётти. Бундай қурилиш маҳсулотларини янада қўлайтириш чоралари қўрилмоқда. Келгусида бу кичик корхона пишган гишт ишлаб чиқаришнинг ҳам йўлга қўймоқчи.

Шухрат РЎЗИҚУЛОВ,
савдо-саноат палатаси
туман вакили.

СУРАТДА: Ўзбекистон-Англия "Вертекс-Асетс" қўшма корхонаси қатъи тасдиқ Сурат Савдо шогирди Дилобар Рихсибоевани янги технологиянинг имкониятлари билан таништи-раётти.



САЛОМАТЛИК — КАТТА БАХТ

Туманимизнинг 120 минг аҳолиси саломатлигини сақлаш учун 14 та қишлоқ врачлик пункти, битта марказий шифохона, кўп тармоқли поликлиника ҳамда болалар стоматологияси хизмат қилаётти. Марказий шифохонамизда 45 нафар малакали шифокор, 330 нафар ўрта, 400 нафарга яқин кичик тиббий ходим беморларни даволаш билан шуғулланмоқда. Шифо маканида ҳар бири ўттиз ўринга эга бўлган тез тиббий ёрдам, турмуш ҳамда болалар бўлимлари фаолият кўрсатаётти.

Ўтган йилдан бошлаб қишлоқ врачлик пунктларини "Саломатлик - 2" дастури доирасида энг замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Шу лойиҳа асосида турмуш, болалар бўлимлари ҳам замон талабларига жавоб берадиган янги тиббий ускуналар ўрнатилди. Хусусан, сунъий нафас олиш мосламаси, гўдаклар учун махсус иситиш қаражатлари, автоклавлар, УЗИ, ЭКГ аппаратлари, шунингдек, жарроҳлик учун керакли асбоблар беморларга тўғри ташхис қўйиш ҳамда даволашда яхши самара бераётти.

Шифохонамизнинг жарроҳлик бўлимида ошқозон-речкацияси жарроҳлик амалиёти олиб бориш яхши йўлга қўйилган. Илгирилари бундай беморларни пойтахтга йўллашга мажбур бўлардик. Бугун эса бунга эҳтиёж қолмади, чунки ўзимизда замонавий тиббий диагностика аппаратураси мавжуд. Энг муҳими, бу борада малакали шифокорларга эгамиз.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида эътиборни кўпроқ қишлоқ жойлардаги тиббий маканларига хизмат кўрсатиш ва даволашни мукаммаллаштиришга қаратаймиз. Янгида қишлоқ врачлик пунктларимиз учун яна қўшимча "Дамас" русумли автомашина ажратилди.

Бугунги кунда қишлоқларда хизмат қилаётган шифокор-СУРАТДА: турмуш бўлими шифокорлари беморлар билан мулоқотда.

ларимиз учун "Саломатлик - 2" дастури доирасида умумий амалиёт курслари ташкил этилди. Мақсад - уларнинг билим ва малакаларини янада ошириш.

Жойларда янги қишлоқ врачлик пунктларини очишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётти. Янги Чиноз шаҳарчасида замонавий қишлоқ врачлик пункти биносини қуриш яқин кунларда якунланиб, фойдаланишга топширилади. Бу тиббий маканининг ҳам энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлашни мақсад қилганмиз. Яна "Ўзгарабод" маҳалласида ҳам янги шифо маканини очилиш режалаштирилган.

Қишлоқ аҳолисини тиббий қўриқдан ўтказишга алоҳида эътибор қаратаймиз. Ўтган йили 80 минг 126 киши тиббий қўриқдан ўтказилди. Энди уларнинг марказий поликлиникага келишлари шарт эмас. Тиббий қўриқ қишлоқ врачлик пунктларида ҳам ўтказилаётти. Бугунги кунда шифокорларимиз беморларга тўғри ташхис қўйиш ҳамда даволашда етарли тажрибага эга. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида қишлоқ врачлик пунктларини янада замонавийлаштириш, бир сўз билан айтганда энг сўнгги тиббий жиҳозлар билан таъминлаш мақсад қилиб олинган.

Жаҳонгир НОСИРОВ,
марказий шифохона бош шифокори.

ЧИНОЗ ТУМАНИ: ИНТИЛИШЛАРИМИЗ ЗАМИРИДА ҚАТЪИЙ ИШОНЧ МУЖАССАМ

- Чинозда 12 миллат вакиллари яшаб, меҳнат қилишапти.
- Суғориладиган ерлар 18 минг 660 гектардан зиёд. 8 минг гектарга яқин майдонда пахта, 7400 гектарда галла, 1342 гектарда сабзавот етиштирилади.
- Туманда 47 та умумтаълим ва 27 та мактабга таълим муассасалари, 4 та касб-хунар коллежи фаолият кўрсатмоқда.
- Мактабга таълим муассасаларида 1734 нафар кичкинтой тарбияланиб, умумтаълим мактабларида 21587, коллежларда 2600 нафар ўқувчи билим олиб, хунар эгалламоқда.
- Ўтган йили 157,9 миллиард сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилди.

ГУЗАРНИНГ ИЛК МЕҲМОНИ

Маҳалла дейилса, тинч-осойишта, одамлар ҳамфикр ҳамжиҳатликда иш қўрайдиган, кексаю ёшга суяниқ бўла оладиган, кўнглига яқин маскан ичра кичик бир Ватанга айланиб улгурган маҳалланинг жамият ҳаётидаги мавқеи йилдан йилга юксалиб бораётти.

Бугун маҳалла ва гузарлари янада ободонлаштиришга барча бирдек ҳисса қўшаётти. Шу кунларда бу ишларга алоҳида эътибор қаратилаётти. Наврўз байрами арафасида бўлиб ўтган умумхалқ ҳашарида қишлоқ ва маҳаллаларимиз янада кўркамлашди. Шу кунги йўл бўйлари ва хиёбонларга 41 минг туп мевали ҳамда 44 минг 250 донга гул қўчатлари экилди. Ҳашар йўли билан ариқ ва зовурлар тозаланди.

Янги Чиноз шаҳарчасида тадбиркор Рустам Бобоев ташаббуси ва сазй-ҳаракати тўғрисида янги маҳалла гузарини фойдаланишга топширилди. Бугун шаҳарчамиздаги 876 хонадонда беш мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Улар азалдан тадбиркор ва ишбилармонлиги билан алоҳида аҳралиб туради.

Кўнчилиқ асосан балиқчилик билан шуғулланади. Улар тайёрлаган дулланган балиқларнинг таърифи олис-олис шаҳар-қишлоқларга етиб борагани ҳам айни ҳақиқат. Маҳалла аҳолиси янги гузардан жуда мамнун бўлмоқда. Ҳар томонлама қўлайликка эга бўлган бу жой яқин атрофдаги маҳалладошларнинг ҳам сеvimли масканига айланди, десам муболага бўлмайди. Бинонинг фойдаланишга топширилиши чигит экиш бошла-

наётган паллага тўғри келди. Шу кунги бутун чинозлик фермерлар, қишлоқ ҳўжалиги илгори, меҳнат фахрийлари гузарга бир пиёла чойга таклиф этилиб, чигит қадаш масмуми олдидан ота-хон деҳқонлардан фотиҳа олдилар.

Маҳбуба ЖОЙНОҚОВА,
"Маҳалла" жамғармаси
туман бўлими раиси.

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

рилди, 15 таси капитал реконструкция қилинди. 17 таси капитал таъмирдан чиқарилди. 2009 йилда Давлат дастурига 8 та мактаб қиритилган бўлиб, битта мактаб қуриш, 3 тасини капитал реконструкция, яна 4 та мактабни капитал таъмирлаш кўзда тутилган.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарорининг 28-бандида аҳоли 500 тагача бўлган қишлоқ ҳудудларида электрон кутубхона фондига эга ахборот-ресурс маркази ташкил этиш бўйича идоралараро ишчи гуруҳ тўзилиб, 2009-2011 йилларга мўлжалланган тадбирлар дастури

ишлаб чиқилди. Шу мақсадда туманимизнинг чекка қишлоқларидаги 3-, 13-, 35-, 37-умумтаълим мактабларида ахборот-ресурс марказларини ташкил этиш учун маблағ ажратилди. Ҳозирги кунгача туманимиздаги 40 та умумий ўрта таълим муассасаларида ахборот-ресурс марказлари фаолият кўрсатиб келаётти.


Ёшларнинг маънавий баркамоллигини оширишда китобнинг аҳамияти бекиёди. Туман халқ таълими бўлими ташаббусига қўра, "Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси билан шартнома тузилиб, 6 миллион 480 минг сўм микдорда 2661 донга илмий-оммабо, бадий ва болалар адабиётлари олинди. Бу ки-

тоблар ўқувчиларнинг билим савиясини янада оширишга хизмат қилади.

Туман халқ таълими бўлими томонидан ташкил этилган услубий ҳафталиқлар, бир кунлик услубий хизмат кўрсатиш тизими ҳамда амалий семинарлар педагоглар дарс беришнинг энг замонавий усуллари билан таништириш, дарс жараёнига янги педагогик технологияларни кенг жалб этиш, илгори тажрибаларни ўрганиб, оммалаштириш боришда самарали натижа бермоқда.

Иқтидорли ўқувчиларни танлаш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида мактаб ҳамда туман микёсида ўтказилаётган танловлар, шунингдек, фан олимпиадаларининг мунтазам ташкил этиб борилаётгани таълим мазмуни янада юксалтиришга хизмат қилаётти.

Тўлқин ДУРУМБЕТОВ,
туман халқ таълим бўлими мудири.



СУРАТДА: "PURE LIFE" корхонаси маҳсулотларига талаб ортиб бораётти. (Чапдан ўнгга) Шаллола Очилова ва Камола Камоловалар иш жараёнида.

ДЕҲҚОНЛАРИМИЗ ЕР ҚАДРИНИ БИЛИШАДИ

Бугун фермерлик ҳаракати чин маънода қишлоқ ҳаётининг аниқлаштиришда етакчи аҳамият касб этаётти, десам муболага бўлмайди. Туманимизда фермер ҳўжаликларини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш бўйича бозор иқтисодиёти таъминлари шакллантирилиб, муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Бир сўз билан айтганда, фермер қишлоқда етакчи кучга айланди. Ер эса, ўзининг ҳақиқий эгасини топди.

Туманимиз қишлоқ ҳўжалиги пахта, галла, чорвачиликка ихтисослашган. Ҳозир қишлоқларимизда 236 та фермер ҳўжалиги бўлиб, улардан 197 таси пахта ва галлачилик, 14 таси чорвачилик ҳамда 3 таси боғдорчилик билан шуғулланмоқда.

Фермер ҳўжаликларига ажратилган ер майдонлари

аниқ мақсадларни қўзлаб оптималлаштирилди. Бунда уларнинг қайси соҳага ихтисослашгани алоҳида эътиборга олинди. Шу асосда бу йил 7422 гектар майдонга пахта экиш кўзда тутилган 7701 гектар майдонда галла етиштирилаётти. Халқимизда "Эрта эксанг, эрта ўрсанг" деган гап бор. Ернинг тилини била-

диган деҳқонларимиз яхши ишлар билан энг шимариб, чигит қадашмоқда. Айни кунларда далаларда 40 та чигит экиш сейлкаси фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозиргача 3 минг гектардан зиёд майдонга чигит қадалди. Туманимиздаги "Ўринбой ҳожи" фермер ҳўжалиги 90 гектар, "Яхшибой" фермер ҳўжалиги 60 гектар, Латипов, Отажонов, Мўминий номли фермер ҳўжаликлари эса, юз фоиз майдонга чигит экиб бўлишди.

Фермер техникага суянади. Ишнинг кўзини билганлар бу йил ДТ-75, ВТ-

150 занжирли тракторлардан 10 тасини сотиб олишди. Бу техникалар мавсумда жуда иш бераётти.

Чорвачилик соҳасида ҳам етакчи фермерларимиз кўп. Улардан бири "Юлдуз" фермер ҳўжалиги бўлиб, ҳозирги кунда 700 бошдан зиёд қорамол парваришланмоқда. Чорвачиликда етакчи бўлган ҳўжалик кунига 3 тонна сўт сотаяпти. Бир йилда 45 тонна гўшт етиштириш режалаштирилган. Фермер ҳўжалиги хорижда ишлаб чиқарилган энг замонавий сўт соғиб олиш техникасига эга бўлди. "Ҳўжа-

кент", "Бонюр" фермер ҳўжаликлари ҳам ўз фаолиятини кенгайтириб бораётти.

Лекин бу тармоқда хали фойдаланилмаётган имкониятлар ҳам кўп. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада қўлайтириш лозим. Айниқса, бугунги кунда мева-сабзавотчиликни ривожлантиришга кўпроқ эътибор бермоқ зарур.

Неъматжон АРСЛОНОВ,
қишлоқ ва сўв ҳўжалиги бўлими бошлиғи.

Саҳифани «Тошкент ҳақиқати» муҳбирлари Жўра САЪДУЛЛАЕВ, Улугбек ҲАМРОҚУЛОВ ва Даврон АҲМАД (суратлар) тайёрлади.

СПОРТ СПОРТ СПОРТ

ҒОЛИБЛАР — МАМЛАКАТ
БОСҚИЧИГА

Тошкент вилоят халқ таълими бошқармаси тизимидаги умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган "Умид ниҳоллари — 2009" спорт мусобақаларининг вилоят босқичи ниҳоясига етди.

Мазкур мусобақалар ўқувчи-ёшларни спортга кенг жалб этиш, уларни чиниктириш ва соғломлаштириш, оммавий спорт ишларини замон талаблари даражасига кўтариш, миллий спорт турларини янада ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Қизгин баҳс ва мунозаралар остида ўтган беллашуларда етмишдан ортиқ жамоада минг нафарга яқин йигит-қиз қатнашди.

Ёшларимизнинг соғлом вояга етишида мунтазам равишда ўтказиб келинаётган спорт мусобақаларининг аҳамияти беқиёс, — дейди Ўзбекистон "Ёшлик" жисмоний тарбия ва спорт жамияти вилоят кенгаши бош мутахассиси Шухрат Раимов. — Вилоят босқичида

ўқувчи-ёшлар шахар ва туманлардаги замонавий спорт мажмуаларида спортнинг 12 тури бўйича ўз иктидорини намойиш этди. Футбол ўйинлари Ўрта-Чирчиқ туманида, гандбол беллашулари Олмалик шаҳрида, баскетбол ва миллий кураш баҳслари Ангрен шаҳрида, волейбол учрашувлари Пискент туманида, белбоғли кураш мусобақалари Паркент туманида, стол тенниси бўйича ғолиблик учун кураш Чирчиқ шаҳридаги спорт мажмуаларида бўлиб ўтди.

Ғолиблар "Умид ниҳоллари — 2009" мусобақаларининг Сирдарё вилоятида ўтайдиган мамлакат босқичида иштирок этади.

Л. СУВОНОВ,
ЎЗА муҳбири.

ҲАВАСКОРЛАР
«АРАНЧИ»ДА

Тошкент вилоятидаги "Аранчи" аэродромида спортнинг ракетамодель тури бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон мудофасига қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ҳамда Техник ва амалий спорт турлари маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада ўн жамоа ракетамодельнинг беш йўналиши бўйича ўзаро кўчи синашди. Қизгин беллашуларга бой мусоба-

қаларда Тошкент шаҳри вакиллари биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Сирдарё ва Самарқанд вилояти вакилларига насиб этди.

Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

ЎЗА.

КУЛГИ КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент Фотосуратлар уйида Халқаро кулги кунига бағишланган кўргазма очилди. Кўргазмада бир қатор ёш ҳамда таниқли рассомларнинг карикатура жанрида яратган асарлари намойиш этилмоқда.

Айниқса, тажрибали рассом Маҳмуджон Эшонқуловнинг асарлари томошабин эътиборини тортди.

Маълумки, ҳар бир карикатурачининг вазифаси ўзи дуч келаётган муаммо

ва камчиликларни асарларида намойиш этишдан иборат. Шу сабабдан, бу кўргазмада сатирик руҳда яратилган асарларнинг ҳар бири ана шу мақсадга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир.

Кўргазмада Ўзбекистон Бадий Академияси аъзолари, машҳур эстрада ва кино юдзуларига ишланган рассом ҳазиллари ҳам намойиш этилмоқда.

Кўвнок тасвирлар кўргазмага келган томошабинларнинг кайфиятини кўтариб, уларга бир олам кулгу ҳадя этмоқда.

Рустам ХАЙДАРОВ,
"Туркистон-пресс".



КЎНГИЛ КЎНГИЛДАН СЎВ ИЧАР...

Паркент тумани ҳокимлигида марказий шифохона касаб-ташқиловчи ташаббуси билан маънавий тадбири ўтказилди. Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир билан бўлган учра-

шувда тиббиёт ходимлари қатнашди.

Кутлуг Наврўз шукуҳи тароват бахш этган шеърлик кечаси кўнгилларга эзгулик, саховат нурини олиб кирди. Таниқ-

ли санъаткорларнинг чиқишлари кечага алоҳида файз бағишлади.

СУРАТДА: мухлислар эҳтироми.
Даврон АХМАД олган сурат.

Ҳажв бисотидаан

ТАНБЕХ

Бир жойга тўйга бордик. Энди тўймасан тўйда! Тўйхона эгасининг яқин-йироқлари, илон-бозилар саватбошлар дарвозани икки томонга очиб, келганларни кутиб, келганларни кузатиб туришибди:

— Келинлар, ҳов келинлар! Қани ичкарига, ичкарига!

— Хуш келибсизлар! Хуш келибсизлар!

— Яна кимлар келяпти? — Тарторчилар.

— Уларни ўзлапоя устига олибсизлар!

— Энди домлалар келишяпти.

— Ха, уларни айвонга олибсизлар!

— Нима қиламиз, раҳбарлар келишяпти?

— Дарров ичкаридаги тузилган жойга олиб, яхшилаб кутинглар!

Тўй бўлганидан кейин ўз-ўзидан енгил машиналар турнақатор бўлиб кетди. 50-60 енгил машина кўча чеккасида турибди.

Беш ё олти яшар бир зумраша машиналарнинг ҳали унисси, ҳали буниси устига қичиб, қичқиради. Қўл

қовуштириб турганлардан бирининг ўғли эканми, мактаб кетди:

— Бизнинг ўғилча. Чингачук, йўғ-е, Тарзан бўла-япти, ота ўғил-да! Машинани жуда яхши куради...

Зум ўтмай зумраша бир машинанинг капотини очди. Эгаси бориб, болага қаттиқ гапирмай, капотни ёпиб келди — отаси дурустрок лавозимда экан-да. Кейин у на-риги машинага ўтиб, одамларга кўринмайдиган томонига яширинди, чўнтагидан пи-



чокчасини олиб, машина эшигига аланимани чиза бошлади. Машина эгаси боланинг отасига айтганиди, ота жонивор бориб қойиб кетди:

— Бас қил, яп-янгини пи-чокни ўтмас қиласан!

Кулганга
нимаётсин

Футбол ўйини пайтида бир футболчи бурчақдан тўп тепишга шайланган эди. Шу пайт ҳакам хуштак ча-либ, уни қаққирди ва ниманидир тушунтириб бошлади.

Футболчи ҳакамнинг гапларини эшитиб бўлувчи, қим-дир ҳазил қилмоқчи бўлиб, котоксини худди шу кўринишдаги тушунтириб бошлади.

Футболчи чопиб келиб, тўпни тегиб да хушидан кетди. Бир оздан сўнг, ўзига келган, тепасида турган жамоа шифокоридан сўради.

— Оёғимга нима бўлди, ака?

— Оёғингизнинг бош бармоғи синган, иккита ёнидагиси мажжаланган, оёқ суяги эзиллиб кетган, пайи узилган...

— Наҳотки шунчалки аҳволим оғир?

— Сеники нима бўлибди оғайни. 10-рақамдаги хужумчини кўрсанг эди...

— Унга нима қилди?

— Боши билан гол урди-я!!!

Порсафар ИМОМОВ.

Утерянний план кварти-ры по адресу: г. Ташкент, Чиланзарский район, 6-й квартал, дом 28, кв. 41, выданный БТИ Чиланзарско-го района на имя Байраш Леоры Фаридовны,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

ҚАССОБ
ОТАРЧИ

Бир бўри ўлжа излаб, тоғдан қишлоққа тушибди. Қараса, олдида бир кўзичоқ қичиб келаётганмиш.

— Ха-а, сени ейман! — дебди бўри.


— Қошиқ эди, — дебди кўзичоқ, — ўзим ҳам сизни қидириб юргандим...

Фақат, илтимос, мени ейишдан олдин битта ашула айтиб берсангиз. Ширин овозингизни эшитиб, роҳатланиб ўлсам.

Бўри жон-жон деб, кўзларини юмганича катта ашуладан бошлабди:

Во-яй, юрурмиз тоғлар аро-я, аро-я,

Қайдасан кўзи қаро-я, Ув-вв! Ув-вв!



Бир маҳал ашулани тугатиб, бундоқ кўзини очиб қараса, кўзичоқ жуфтани ростилаб қолибди. Шунда бўри пешонасига шап эт-кизиб уриб:

— Қасбон-ку қассоблиг-а, нима қилардинг отарчилик қилиб, — дебди.

ТАЖАНГНИНГ
ЎҒЛИ

Катта ариқдаги сувда оқиб кетаётган тўрт яшар болани кўрган бир одам дарров уни олиб қичиб, оёғини осмонга кўтариб, хушига келтирди.

Болакай, яхиям қўриб қолдим, сог-омон қолдинг, — деса, болакай нима дермиш денг:

— Раҳмат, тоға! Илоё сизни ҳам дадам қуритсин!

— Ие, оббо, оғзингда зам-барангнинг борми, кимнинг ўғлисан?

— Мамарайим тажангнинг ўғлиман!

Қаранг, ҳатто, дадасининг лақабигача билади-я! Болани олиб бориб, уйига қўйиб келса, кетма-кет Мамарайим тажанг ҳам келибди. Ҳалиги одам ўғлини



қўтқарганим учун менга тўн кийгизса керак, шунга кел-гандир, деб ўйлаб:

— Ха, ака, қўйинг, бир ердаги одаммиз, менинг ўрнимда бошқа бўлганида ҳам шу ишни қиларди, — деса, Мамарайим тажанг дермиш:

— Ҳеч қанақа овора-пороваси йўқ, боламнинг дўпписи қани, ё уни олмайд оқизиб юбордингми?

орқасидан урдирган, Садирнинг, ана кеча олд ойнасини синдирган. Боқи шайтон тормози йўқ, колоткаси ейилган, Ислон алкаш статорсиз, гўтчаги ҳам эгилган. Чап чироғи ёнмаса

ҳам майли, Рустам, борақолсин, Тузуккина қизикчи у дуоингиз олақолсин!

Қаранг, Ачам бахона бўлди-ю, менга жавоб тегди-қўйди!

Қизикчи Рустам ХАМРОКУЛОВ хангомаларидан.

АЙТИШУВ

ҳам автобазада ҳайдовчилик қилганимиз-да, шу боис айтишудан хабардоримиз.

Юртимизда нима кўп — тўй кўп. Тўйга автобус сўрайдиганлар ундан кўп.

Анам супрақоқдиларини ўйламоқчи бўлганларида автобазага шеър битиб келиб-дилар, уни директорга ўқибдилар:

Бўйга етди супрақоқдим, уйламаса бўлмайди,

Келин деган узокроқдан, хаптовузсиз келмайди...

Директор ҳам режалари бажарилмай хуноби ошиб, бир ёқдан автобус сўровчилар жонига текканидан қўйидаги шеърни жавобни тайёрлаб қўйган экан:

Энди, хола, юрадиган етти-саккиз хизматда, Қолганлари бузук-ёриқ

ётишибди "иззатда". Собитхонни берай десам,



Бу айтишув яқинда автобаза директори билан Ачам кампир ўрталарида бўлиб ўтган. Бир ёғи акан қарағай

Рассом ханадаси



Хусан СОДИКОВ чизган расм.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими:

236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03,
236-53-54.

Манзилмиз:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар

кўчаси, 32.

Тошкент вилояти
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.

● Эълон ва билди-
рувлардаги факт
ҳамда далилларнинг
тўғрилиги учун ре-
клама ва эълон бе-
рувчилар масъулдир.